



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 2 июль, № 131 (8754)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАР БМТ ТОМОНИДАН ИЗЧИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш 30 июнь — 1 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 1 июль кунини бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу кунни Кўксарой қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга келиш таклифи билан қўрсатилаётган самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Олий мартаба меҳмонни самимий кутлаб, А. Гутерришнинг республикамизда бу гагли, иккинчи ташрифи «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар БМТ томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг тасдиғи эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди.

Ҳамкорликнинг жадал суръати ва мисли кўрилмаган юқори даражаси катта мамнуният билан қайд этилди.

140 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кейинги йилларнинг ўзида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилинди.

Йил бошидан буён БМТ Бош котибининг бешта ўринбосари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Утган ойда мамлакатимиз Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ECOSOC) таркибига ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Мазмурий кенгашига сайланди. Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари кўмитаси аъзоси бўлди. Тошкентда БМТнинг яна бир махсус муассасаси — Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича халқаро жамғарманинг ваколатхонаси иш бошлади.

Биргаликда глобал кун тартибига оид йиллик халқаро тадбирлар, жумладан, озик-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва

иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилмаҳилликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Келгуси йилда Самарқандда ЮНЕСКОнинг 43-бош конференцияси бўлиб ўтади.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари Бош котибининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, БМТ ва унинг асосий органларини ислоҳ қилиш ҳамда жорий йилда Нью-Йорк шаҳрида Келажақ саммитини ўтказиш ташаббусларини қатъий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Минтақда транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, озик-овқат, энергетика ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият муҳокама қилиниб, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятининг бу мамлакатга нисбатан умумий стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2026 — 2030 йил-

ларда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТ билан ҳамкорликнинг ҳадли дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида БМТ Бош котиби Антониу Гутерришга жаҳонда ҳамжихатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири — «Олий Даражали Дўстлик» орденини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топширар экан, А. Гутерришнинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражага етишига қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди.

Бош котиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кенг қўламли ислохотлар ва ташаббусларни, шунингдек, БМТ институтларининг республикамиздаги фаолияти кенгайтириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади.

БМТ раҳбарининг халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, глобал бошқарув институтларини ислоҳ қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, «яшил» ва рақамли тараққиёт, озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлари қайд этилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Кўксарой қароргоҳида дароҳт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги қатъий интилишлар ифодаси сифатида Фаҳрий меҳмонлар хибёнида дароҳт экдилар.

Шу кунни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Юқори Чирчиқ туманидаги қуввати 200 мегаватт бўлган «ACWA POWER RIVERSIDE SOLAR» қўёш фотоэлектр станцияси фаолияти билан танишди.

Олий мартаба меҳмонга 2030 йилгача Ўзбекистонда «яшил» энергетикани ривожлантириш стратегияси, мукобил энергия ишлаб чиқариш соҳасида қувватларни яратиш дастури ҳақида тақдирот қилинди.

Жумладан, Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси томонидан Тошкент вилоятида қиймати 400 миллион долларлик, 200 мегаватт қувватга эга бўлган лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 460 гектар ер майдони ажратилган. Ҳозирги кунда 150 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, кейинчалик Паркент туманида 500 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 130 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилди, атмосферага 180 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади.

Асосий мақсад аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришдир.

БМТ Бош котиби мамлакатимизда қўёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини айтиб ўтди. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларга эришишга хизмат қилиши таъкидланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Олий Маҳлиси Сенатида бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг институтлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, глобал сиёсат ва минтақавий масалалар бугунги куннинг муҳим мавзуларидандир.

Учрашувда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ, жумладан, гендер тенгликни таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга тенг имкониятлар яратиш борасида Ўзбекистонда тизимли ишлар амалга оширилаётгани, бунда БМТнинг тавсиялари ҳам муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, парламентлараро муносабатлар кўлами, гендер тенглик, аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқлари, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида амалга ошириш лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Дилбулоқ маҳалласида ҳам бўлди.

Маҳалла миллий кадриятлар маскани саналади. Кўплаб хайрли ишлар, эзгу ташаббуслар маҳаллаларда, халқ билан маслаҳатлашилган ҳолда амалга оширилади.

Олий мартаба меҳмонга кейинги йилларда бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилиб, энди маҳалла масъуллари янада кенг имконият ва ваколатларга эга бўлгани ҳақида сўзлаб берилди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат тизимга солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими ҳам қўшилиб, «маҳалла еттилиги» жорий этилгани таъкидланди. Улар ўз ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ҳамжихатлигини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ҳал қилишда биргаликда фаолият олиб бориши қайд этилди.

Шу ерда маҳалла ахли, нурунийлар билан мулоқот бўлди. Унда маҳалла ҳаёти, бу ердаги бошқарув тизими ҳақида сўз борди. Шунингдек, ҳудуддаги кичик хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш объекти фаолияти билан танишилди.

Дилбулоқда 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллада боғча, оилавий поликлиника, спорт мактаби, савдо, саноат ва хизмат кўрсатиш шох-бобчалари фаолият юритмоқда.

Маҳалла идораси янги қурилган. Кўп қаватли уйлар йўлаги ва ички кўчалар таъмирланган. Худуддан ўтувчи анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айлантирилган. Ишқомлар, мевали ва манзарали дароҳтлар, пиёдалар йўлакларни маҳаллага қўрқ бағишлаб турибди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маҳалла мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ноёб институт эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш учун бу тузилма имкониятларидан кенг фойдаланилаётганини юқори баҳолади.

Шу билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 1 июль кунини тармоқ ва ҳудудларда энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ҳисобот билан танишди.

Аҳоли ўсиб, корхона ва муассасаларга кўпайгани сайин энергия ресурсларига талаб охиб бориши табиий. Мамлакатимизда шунга мутаносиб энергия манбаларини ва генерация қувватларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бу қувватлардан оқилона фойдаланиш, энергияни тежаш ҳам жуда зарур.

Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқларидаги эски технологиялар энергия тежамкорига алмаштирилмоқда. Саноат корхоналарида «яшил» энергия манбалари жорий қилинмоқда. Биноларни қуришда иссиқликни сақловчи материаллардан фойдаланилмоқда. Хонадонлар ва ижтимоий муассасаларда ўрнатилган қўш панеллари уларга қўшимча қувват бермоқда.

Жорий йил бошида ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилган эди. У ишлаб чиқаришга халал бермаган ҳолда, энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашга қаратилган.

Йиғилишда бу борадаги ишларнинг бажарилиш ҳолати кўриб чиқилди.

Энергия истеъмолида ўрғилдиқлар қўлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, бу йил 15 мингта ҳолатда табиий газ ва 28 мингта ҳолатда электрдан ўрғилдиқ аниқланган. Бунинг сабаби — ҳозирги тизимда ноқонуний улашишларнинг олдини олиш эмас, оқибати билан курашиляпти.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎЗИ САЗОВОР Бўлишга ЛОЙИҚ КЕЛАЖАККА ЭРИШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлган БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг бу борадаги Фармониди БМТ Бош котибининг жаҳонда ҳамжихатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари эътироф этилди.

Олий мартаба меҳмон юксак даражадаги ҳурмат-эҳтиром ва тақдирлашдан бағоят мамнун эканини билдирар экан, қуйидаги фикрларни баён қилди.

— Бугунги тақдирлаш мен учун яна бир бор Ўзбекистон томонидан кўрсатилган аjoyиб мезбонлик ва меҳмондўстлик белгиси ҳисобланади, — дейди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. — Бунинг нафақат мен учун, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун жамоаси — ўз ҳаёти ва тинчлигини аямасдан дунё бўйлаб ҳаракат қилаётганлар, жумладан, Фазо секторига ҳаётдан кўз юмган 200 га яқин ходимларимиз, гло-

бал нотинч шароитда, иқлим ўзгариши ва бошқа қийинчиликлар, муаммолар тобора ортиб бораётган даврда ташкилотимизга билдирилган ҳурмат белгиси, деб ҳисоблайман. Мен учун жуда катта мамнуният бахш этадиган яна бир ҳолат шуки, ушбу мукофот дунёдаги энг улкан ислохотларни амалга ошираётган шахс томонидан менга тақдим этилганидир.

Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи, албатта, ёруғ бўлади. Биз Ўзбекистон ёшларини ана шундай эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«МЕН ОСОН ЙўЛдан БОРМАЙМАН...»

Ёшлиқ умр баҳорига менгзалади. Ёшлиқ — жўшқинлик, гайрат, куч, орзу, дегани. Ҳазрат Алишер Навоий: «Йигитликда йиғ илмнинг маъзани, Қарилик чоғи сарф қилгил ани», деб ўғит беради. Ёшлиқ хазинаси эса меҳнат ва илмдир.

Интилиш

30 июнь — Ёшлар кунини арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорига мувофиқ бир гуруҳ илғор ва фаол ёшлар

давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида «Мард ўлгон» давлат мукофоти билан тақдирланган Инъомжон Исмолов ҳам бор. Сурхон-

дарё вилоятининг Сароисё туманидаги Маржона маҳалласида ўқитувчилар оиласида 2006 йили туғилган Инъомжон хозирда Шўрчи туманидаги

125-қўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси. Шу кунларда у ўзига сиғмай юрибди. Ерда эмас, гўё кўзда учмоқда. Қувончининг чеки йўқ. Хурсанд бўлишининг жиддий боиси бор, албатта.

— Президентимиз шу йилнинг 28 июнь кунини Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган давлат мукофотларини топшириш маросимида «Мард ўлгон» давлат мукофоти нишонини

қўқсимга ўз қўллари билан тақиб қўйди, — дейди у. — Бу мен учун қутилмаган, ҳақиқий бахт бўлди. Жуда ҳаяжонландим. Менга сўз берилганда ортиқча ҳаяжонни енгиб, ўзимни тез қўлга олмасам бўлмасди. Негаки, маросим қатнашчиларининг бутун диққат-эътибори менга қаратилган. Бунинг ҳис этиб, орзу-мақсадим, режаларим тўғрисида дадил гапиришга ўзимда куч, қатъият топдим.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎЗИ САЗОВОР БЎЛИШГА ЛОЙИҚ КЕЛАЖАККА ЭРИШАДИ

Ўз қузатувлари орқали мамлакатимиздаги ислохотларнинг моҳиятига назар ташлар экан, БМТ Бош котиби, жумладан, куйидаги жиҳатларга алоҳида ургу берди.

Ўзбекистон заминига биринчи марта 20 йил муқаддам келган эдим. Расмий ташрифим эса Жаноб Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятини бошлаган йилда амалга оширилган эди. Мана шу вақт давомида мен қузатиб шунга иқроор бўлдимки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошлаган ислохотлари Ўзбекистон халқининг асосий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистондаги ислохотларни қузатар эканмиз, тўлақонли равишда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келишига иқроор бўлдим. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар белгиланган кун тартиби айнан Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган стратегик режада ҳам ҳамоҳанг равишда акс этганини кўрдик. Бу, албатта, фикрларимиз, қарашларимиз уйғунлигидан, ҳамжихатлигимизнинг юқори эканидан далолат беради.

Ўз сўзида келажақда Марказий Осиё тўлақонли интеграцияланган бир минтақага айланишига умид билдирар экан, Антониу Гутерриш бунга мантиқий асослар билан ташриф берди.

Биз билар эдикки, бир пайтлар Марказий Осиёда тарқоқлик кенг илдиэ отган эди. Бугунги кунда эса минтақада янги ҳаёт яратилди. Бу, албатта, дўстлик, ҳурмат ва масалаларни ҳамжихатликда қўриб чиқиш, мавжуд қийинчиликларни биргаликда энгиб ўтишга асосланган муҳит бўлди.

Жуда кўп инсонлар Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг қорраҳаси деб танидилар. Менимча, бу янгилик фикр. Мен Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг маркази деб биларман. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришнинг ўзи ки-фоя қилади.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевни фаолияти давомида минтақадаги кўприк ўрнатуви ташаббускор, тинчлик элчиси, десам, муболага бўлмайди. Айни вақтда адолатга асосланган фаровонликни ташкил қилиш ва уни ўрнатиш бўйича жуда фаол иш олиб бормоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла уйғун.

Мана, яқинда инсон ҳуқуқлари бўйича мунтазам ҳисобот тақдим этилди. Ундаги тавсияларнинг аксарияти Ўзбекистон томонидан қабул қилинди ва уларни амалга оширишга киришилмоқда. БМТ бу ишларда ҳукуматга яқиндан кўмаклашишга тайёр.

Шу билан бирга, Жаноб Президент раҳбарлигида Ўзбекистонда юқори марраларни қўзлаб амалга ошириладиган ишларни қўзлаб-қувватлашга тайёрмиз. Биргаликда шундай ҳаракат қиламизки, Ўзбекистон аҳолиси ўзи сазовор бўлишга лойиқ бўлган келажаққа эришади.

ЎЗА мухбири Абдулазиз РУСТАМОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон халқаро майдонда тобора нуфузли иштирокчига айланмоқда

30 июнь — 1 июль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Кеча Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга келган БМТ Бош котибининг қабул қилди. Музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва исчилик тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди.

Акс садо

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жаҳонда ҳамжихатлик ва бирдамликни фаол илгари суриш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ўзбекистоннинг олий давлат муқофотларидан бири — “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

2026 — 2030 йилларда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича БМТ билан ҳамкорликнинг ҳадди дастурини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан эришилган келишувлар учрашувнинг муҳим якуни бўлди.

Антониу Гутерриш Тошкентга ташрифи арафасида “Дунё” ахборот агентлигига берган интервьюсида БМТ Ўзбекистон билан тинчлик ва ҳавфсизлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳамкорликни кучайтиришни кутаётганини таъкидлади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон БМТ томонидан жаҳон ҳамжамиятининг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг муҳим йўлларини излаш ва уларга эришишнинг фаол иштирокчиси ҳамда ташаббускори сифатида баҳоланади.

Хосе Ойя РОДРИГО, Испания Халқаро технология, таълим ва гуманитар фанлар академияси раҳбари:

— Ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим воқеага айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, жумладан, ЖСТ, ХМТ, ЮНЕСКО, ФАО, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон банки, МАГАТЭ фаолиятида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари минтақавий ва жаҳон миқёсида халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилинди. Шунингдек, 140 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга

оширилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонга халқаро майдонда юксак ишонч ва эътироф мавжудлигидан далолат беради.

Бош котибининг ташрифи Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг институтлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга муҳим қадам бўлди. Ташриф чоғида Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш, “яшил” ўсиш, коррупцияга қарши курашиш ва қонун устуворлиги каби муҳим йўналишларни ўз ичига олган 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини юқори баҳолади.

Бундан ташқари, Антониу Гутерришнинг Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектига ташрифи мамлакатининг турли соҳалардаги ютуқларини намоён этиш, шунингдек, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлаш имкониятларини муҳокама қилиш шароитини яратди.

Умуман олганда, Антониу Гутерришнинг ташрифи Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб, олий даражада ўтказилган музокаралар натижалари аниқ самаралар беради ва мамлакатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Рой Энтони РОЖЕРС, Малая университетини қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари:

— Ташриф, шубҳасиз, давлатинингизнинг ушбу ташкилот билан кўп қиррали ҳамкорлигини мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим воқеадир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро платформаларида, жумладан, БМТда ҳам фаоллик кўрсатиб, глобал масалаларни ҳал этиш, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон БМТнинг муҳим ва нуфузли органи — 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган Инсон ҳуқуқлари кўмитасига, 2025 — 2027 йиллар учун БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Мазмурий кенгашига сайланганини қайд этиш керак.

Маъзур ютуқлар Ўзбекистон етакчиси раҳнамолигида амалга ошириладиган исчилик

ислохотлар халқаро ҳамжамият ва БМТга аъзо давлатлар томонидан кенг эътироф этилганидан далолатдир.

Ишончим комилки, ўтган олий даражадаги музокаралар ва эришилган келишувлар дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликда ишлаш учун янги имкониятлар яратишга, халқаро ҳамжамият эътиборини минтақавий масалаларга, хусусан, Орол денгизи фожиасига қаратишга, амалга ошириладиган ислохотларни қўллаб-қувватлашга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва бошқаларга хизмат қилади.

Уйлайманки, Антониу Гутерришнинг ташрифи Ўзбекистоннинг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини таъкидлади ва ташкилот ушбу мақсадларни амалга оширишда ёрдам беришга тайёрлигини таъкидлади. Зеро, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакат ўз олдига қўйган вазифалар БМТнинг Мингйиллик саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Қисқача айтганда, БМТ Бош котибининг Тошкентга ташрифи Ўзбекистон ва маъзур тузилма ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб, долзарб муаммоларга эътибор қаратиш ва уларни биргаликда ҳал этиш йўлларини белгиллашга хизмат қилади.

Александра ПЕРМИНОВА, Россия Фанлар академияси Хитой ва замонавий Осиё институти илмий ходими:

— Ўзбекистон БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг сафарига биринчи давлат бўлиб, аввалроқ ОАВ маълум қилганидек, у шундан сўнг Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонга ташриф буюради.

Ўзбекистон бугунги кунда Евроосийедаги энг фаол ривожланаётган давлатлардан биридир, аниқ чоғда, мамлакат халқаро майдонда тобора нуфузли мавқени эгаллаб бормоқда. Ўзбекистон Оролбўйи минтақасини тиклаш, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва Афғонистон билан мулоқот бўйича турли ташаббусларни илгари сурмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Антониу Гутерришнинг Марказий Осиёга ташрифи давомида муҳим тадбирлардан бири — 3-4 июль кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТ саммити. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун ШХТ билан мулоқотни мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки Антониу Гутерришнинг таъкидига кўра глобал нотинчлик шароитида айнан “минтақавий ташкилотлар БМТнинг кучи етмайдиган муаммоларни ҳал қилишга қодир”.

Ўзбекистон ШХТ мақомидаги муҳим давлатлардан бири. ШХТ Минтақавий активларнинг тузилмасининг бош қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган. 2024 йил июнь ойи бошида эса Ўзбекистон пойтахтида ШХТ форумининг XIX йилгилиши бўлиб ўтди.

Афғонистон муваққат ҳукумати билан мулоқотда эришилган нобў ютуқлар, унинг Марказий Осиёдаги марказий географик ўрни, озиқ-овқат, энергетика ва сув ҳавфсизлигини таъминлашда янги ёндашувларга тайёрлиги Ўзбекистоннинг ШХТнинг энг муҳим иштирокчисига айлантирди ва халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Игор ШЕСТАКОВ, Қирғизистонлик сиёсатшунос, “Ой Ордо” эксперт ташаббуслари маркази раҳбари:

— БМТ Бош котибининг Марказий Осиё мамлакатларига сафари сайёрамиз миқёсида бундай ташкилот учун минтақавий чекка эмас, балки стратегик муҳим ва иштиқобли худуд сифатида қабул қилинаётганидан далолатдир.

Эътиборлики, Антониу Гутерриш ўз сафарини айнан Ўзбекистондан, БМТ фаолияти ва жаҳон миқёсида муҳим ташаббусларни илгари суришда энг фаол иштирок этаётган давлатдан бошлагани эътиборга молик.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида агроф-муҳитни муҳофиза қилиш, иқлим ўзгариши, камбағалликка қарши курашиш, “яшил” иқтисодиёт, ёшлар билан ишлашга оид глобал масалаларни ҳал этиш бўйича долзарб таклифларни илгари сурмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон БМТнинг турли резолюцияларини илгари суриш ва унинг тармоқ дастурларини қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиёда етакчи давлатга айланди, десак, ҳеч му-болага бўлмайди.

«Дунё» АА.

Мулоқот

Ўзбекистон минтақа ва дунё мамлакатлари учун намуна бўла олиши таъкидланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув бўлиб ўтди.

БМТ Бош котиби Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби кўплаб йўналишларда йўлбошчи эканини, нафақат минтақа, балки дунё мамлакатлари учун намуна бўла олишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, айни пайтда кун тартибидagi муҳим масалалардан бири ҳисобланган экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, шу жумладан, Орол инқирози оқибатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдаги комплекс ёндашув юксак баҳоланди.

Учрашувда жорий йил сентябрь ойида давлат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтадиган Келажак саммитида қўриб чиқиладиган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди ва ушбу тадбирда Ўзбекистон ўз ташаббуслари билан фаол иштирок этишига умид билдирилди.

Антониу Гутерриш Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга тенг имкониятлар яратиш борасида олиб бориладиган тизимли ишлар натижаларига алоҳида тўхталиб ва бу йўналишда БМТнинг барча тавсиялари тўлиқ ҳисобга олинаётганидан мамнунлигини билдирди.

Шу билан бирга, БМТ томонидан илгари суриладиган тараққиёт дастурларини жорий этишда парламентларнинг роли муҳимлиги алоҳида эътироф этилди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Олий Мажлис Сенатининг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдирди.

«Халқ сўзи».

«МЕН ОСОН ЙЎЛДАН БОРМАЙМАН...»

— Давлат раҳбарига нималар ҳақида гапирганингизни батафсилроқ айтиб бера оласизми?

— Менинг гоям, лойиҳам бор. Яъни инклюзив таълим бўйича кўп тармоқли янги мактаб очмоқчиман. Анча муддат бош қотириб, бир қанча тунларни бедор ўтказиб, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган илмий лойиҳалар ишлаб чиқдим. Бу шунчаки ҳаёлий бир гап эмас, хорижий ва миллий тажрибалар умумлаштирилиб, маҳаллий шароит ва миллий менталитетимизнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда тайёрланган лойиҳа.

— Айтиётганингиз лойиҳада фақат сизгача бўлган илмий-амалий ҳулосалар жамлангани ёки унда ўз ҳаётини қузатишларингиз, муайян қайдларингиз ҳам акс этганими?

— Лойиҳа ўзининг бошимдан ўтган, мен маълум вақтларда бевосита ёки билвосита иштирокчиси бўлган турли ҳолатлар, вазиятлардан келиб чиқадиган, кўрган-билган қузатишларим, ҳулосаларим ҳамда ўзим ўқиб эгаллаган назарий билимларга асосланган, албатта. Лўнда қилиб айтганда, ўз тажрибаларимга таяниб, амалий услуб яратганларим. Бу метод бўйича эса ўйлаганларимни, кўнгилимга туккан ниятларимни ҳаётга жорий қилмоқчиман.

— Фикрларингизга қараганда, ушбу лойиҳа замирида нафақат назарий, балки катта амалий ишлар ҳам зарда тутилганга ўхшайди.

— Ҳа, лойиҳанинг ўзига ҳослиги шундаки, унда ўқувчи мавзунини ўзи танлайди. Хар бир ўқувчи учун танлаган мавзуси талабларидан келиб чиқиб ҳамда фақат унга мослаб индивидуал услуб ишлаб чиқилади.

— Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қандай катта-кичик лойиҳани амалга ошириш учун маблаг зарур бўлади...

— Кўксаройда ўтган учрашувда, назаримда, Президентимиз барча тенгдошларим қатори менга ҳам алоҳида муносабатда бўлди. Бу инсоннинг менга ўшаган ёшларга жудама меҳрибон эканлигини ҳис этдим. “Яхши, эзгу ишни бошлабсан, бўш келма, стартапларингга маблаг ажратилишида ёрдам бераман”, деди. Айниқса, мени кучиб, бағрига босганида, самимий меҳр-муруватни туйдим... Тўғриси айтсам, жуда тўқиландим, ўшанда беихтиёр кўзимга ёш келди. Бу, албатта, севинч ёшлари эди. Енимда бўлган дадам билан ҳам самимий қўришди. Кейин мени жойимга қузатиб қўйди.

— Сиз энди ўрта мактабни тугатяпсиз. Бундай йир-рик лойиҳаларни амалга ошириш учун эса ўрта мактабдаги нисбатан кўпроқ билим, кенгроқ дунёқараш талаб этилади.

— Шу йил ўрта мактабни яхши баҳоларга тугатдим. Энди Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетига ўқиб, билимимни ошироқчиман.

— Математикларнинг таъкидлашича, ҳамма нарса математика билан бошланиб, математика билан тугайди... Лекин у оғир фан эмасми?

— Мен ҳаётда энгил йўлдан бормоқчи эмасман. Орзу-мақсадга эришиш йўли осон бўлмаслигини яхши тушунаман. Бир файласуф айтганидек, илм-фан ва бахт-саодатнинг тиканли, чағир йўлларида сабот ва матонат билан ўта олган кишигина ҳаётнинг кенг ва равоин йўлига чиқа олади. Акс ҳолда... Менинг мақсадга етмай ярим йўлда тўқилиб қолиш ниятим йўқ, асло. Қолаверса, математика боғалигимдан қизиқаман. Вилоятда махсус мактаблар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасида 10 ва 11-синфларда муваффақиятли қатнашдим. Яна ёшлар ташкилотлари томонидан уюштирилаётган “Заковат” билимдонлар



бахсида иштирок этиб, ўз билиминини синиб қўриш имкониятидан фойдаланганман. Математик билим бўйича тенгдошларимдан устун ва оқсаётган жиҳатларимни озми-кўпми, аниқ тасаввур қиламан. Тўғриси айтсам, маъзур билимлар беллашувларига тайёргарлик қўриш асносида ўз устимда анча ишладим. Қўшимча адабиётларни ўқидим, тегишли китоблардан керакли ва зарур маълумотларни изладим, топдим. Бу борда ҳам маълум малака, тажриба орттирдим. Фурсатдан фойдаланиб, менга мактабда турли синфларда математикадан дарс берган ўқитувчиларим — Раъно Бўтаева, Шерзод Нарзуллаев, Сардор Холмирзаевага чин дилдан миннатдорлик билдирмоқчиман.

— Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг: “Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳамин юз гана ила”, деган ҳикмати сўзлари беихтиёр ёдга тушди. Сиз математикага қизиқсангиз, бадий китоблар ҳам ўқийсизми?

— Бадий китобларсиз ҳаётини тасаввур эта олмаيمان. Одатдаги ёзувдаги китобларни, Брайль ёзуви китобларни қийналмай ўқийман. Китоб ўқимаган куним гўё касал бўлиб қоламан. Хозир жуда омма-лашган аудиокитобларни диққат билан эшитаман. Мен бир кунни Аргентинанинг машҳур ёзувчиси Хорхе Луис Борхеснинг “Мен доимо жаннат кутубхонага ўхшаган жой бўлса керак деб ўйлайман”, деган фикрини ўқиб қолдим. Шундан буён ҳар кун вақт топиб, бадий китоб ўқишни ҳаётимнинг қондасига айлантирганман.

— Баъзи ота-оналар фарзандларининг китоб ўқишини беҳуда вақт сарфлаш, фойдасиз машғулот, деб қарашди. Ўғил-қизларнинг эртаси, келажаги хусусида жиддий бош қотирмасдан, уларнинг ҳозирнинг ўзида моддий манфаат келтирадиган ўткинчи, мавсумий юмушлар билан банд бўлиб, шу тариха қимматли вақтларини, қайтарилмас умрларини арзон-гаров нарсаларга сарфлаб, қийнал-

масдан ўтказишларини кўпроқ рағбатлантиради...

— Ваҳоланки, қийналмас, катта мақсадларга эришиб бўлмайди... Ота-онам ўрта мактабда ўқитувчи. Улар мени болалигимдан китоб ўқишга қизиқтирган. Биз оилада тўрт фарзандимиз. Фарзандлар қанча китоб ўқисак, шунча рағбатлантирган. Оиламизда китоб ўқишга эрмак, бўш вақтни ўтказиш воситаси эмас, балки энг зарур иш, меҳнат деб қаралади.

— Биз, катталар ҳам ёшлардан куч, ғайрат, инти-лиш оламиз. Илгор ёшлардан ортда қолмасликка, улар билан ҳамқадам, бир сафда бўлишга ҳаракат қиламиз...

— Президентимиз кўксимга та-қиб қўйган давлат муқофоти ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Энди мен бошқа, бутунлай бошқа одам бўлдим! Бу муқофотни мен аванс сифатида, шу пайт-гача улдасидан чиққан меҳнатларим учун эмас, бундан кейин ба-жарадиган ишларим учун аввалдан берилган муқофот тарзида қабул қилдим. Энди пухта ўқиб, чуқур билим олиб, бор куч-салоҳиятимни Ватаним, халқим учун сарфлашга, ҳаётимни шу юксак муқофотга му-носиб тарзда қуришга, менга ишонч билдирган давлатимиз раҳбарига шу муқофотга мос ва лойиқ меҳнатим билан жавоб беришга масъулман. Президентимиз тантанали маросим чоғида: “Ёшларимиз ҳаётда муносиб ўрнини то-пиши учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга сола-миз. Сизлар мамлакатимизнинг ишончи ва таяничи, келажакимиз бунёдкорларисиз”, деди. Шундай бўлгач, ўз ҳаётим, меҳнатим билан шу юксак ишончга муносиб бўлишга интиламан. Бу мақсад энди ҳаёт аъмомимга айланди!

Салим АШУРА, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

II Халқаро мақом санъати анжумани ғолиблари аниқланди



Зоминда ўтказилган иккинчи Халқаро мақом санъати анжумани якунланди. Ушбу маданият ва санъат байрами доирасида ўтказилган кўрик-танловда ғолиблик учун жаҳоннинг ўн олти давлатидан 95 нафар мақом ижрочиси беллашди. Иштирокчилар чиқишларини халқаро ҳайъат аъзолари баҳолаб борди.



зод — ансамбль жамоаси ва яққон ижрочи тақдим этди. Якуни ҳулосаларга кўра, 3-ўринни Хитойнинг "Шинжон" бадий театри "Мақом" бадий гуруҳи ва ҳиндистонлик Али Амжад Хон эгаллади. 2-ўринни Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги мақом хонан-

далари ансамбли (Ўзбекистон) ва Тожикистон миллий консерваторияси гуруҳи солисти Хуршид Иброҳимзода сазовор бўлди. Анжуманнинг бош соврини — Гран-при Эроннинг "Форс" ансамбли солисти Али Асгар Арабшохийга насиб этди. — Ўзбекистон ва Эрон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар узок тарихга эга. Халқаро мақом санъати анжумани асрий маданий алоқаларимизни давомли бўлишига мустаҳкам замин яратмоқда, — дейди Гран-при совриндори Али Асгар Арабшохий. — Анжуманда бош совринни кўлга киритганимдан жуда хурсандман. Мехмондўстлик ва юксак рағбат учун ташаккур!

Шунингдек, анжуман доирасида фаол ижрочиларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган "Энг яхши мақом хонандаси", "Энг яхши мақом созандаси", "Энг яхши мақом устози", "Энг яхши мақом тарғиботчиси", "Энг яхши ёш мақомчи", "Энг яхши мақом бастакори" каби номинациялар бўйича иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлигининг рағбатлантирувчи совға ва мукофотлари билан тақдирланди. Шу билан бирга, анжуманнинг ҳар бир иштирокчисига "Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчиси" сертификати тақдим этилди.

Санд Донишев («Халқ сўзи»)




Кунни кеча анжуманнинг тантанали ёпилиши ва кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ниҳоят, ҳажонли лаҳзалар. Хакамлар ҳайъати ҳар бир ўринга иккитадан ном-

Жиззах вилояти худудий бўлими мақом ансамбли (Ўзбекистон) ва туркиялик Чидем Гурдал кўлга киритди. 1-ўринга Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги мақом хонан-

Китоб жавонингизга

«Шароф Рашидов»

Миллат учун мураккаб ва масъулиятли дамларда унинг келажагини белгилаб беришга қодир, тақдир учун ўзини бахшида этган улуг зотларнинг халоскор сиймо сифатида дунёга келиши — ижтимоий-сиёсий даврнинг тақозоси. Бундай шахслар улкан тафаккур ва юксак салоҳият соҳиби, шунингдек, узққни кўра оладиган сиёсатчи, жамиятда содир бўлаётган воқеликни тезда илғаб, мавжуд муаммолар ечимларини топа оладиган шахс сифатида гавдаланади. Шароф Рашидов халқимиз тарихида ана шундай ўчмас из қолдирган буюк сиймо, десак, муболаға эмас.



Сиёсий фанлар доктори, профессор Тўлқин Алимардонов қаламига мансуб илмий-оммабоп асар буюк давлат арбоби, улуг адиб, ўзбек халқининг XX асрда етишиб чиққан мутафаккир фарзанди Шароф Рашидов ҳақидадир.

Китобда муаллиф давлат, жамият ва халқ тарихи муносабатларига доир илмий, назарий қарашларни шахс фаолияти билан уйғун тарзда таҳлил қилар экан, унинг миллат ҳаётида тутган ўрнини Шароф Рашидов тимсолида очиб беради. Мутулаа давомида ўқувчи қарамлик шароитида миллатнинг ҳақиқий фидойи фарзанди томонидан Ўзбекистонда кўплаб улугвор ишлар ва бунёдкорликлар амалга оширилганини ҳолис далиллар асосида аглаб олади.

Ушбу асар кутубхонагиздан муносиб ўрин эгаллайди, деган умиддамиз.

Танланган асарлар

Таниқли шоир, таржимон Турсун Али ижтимоий, ишқий, фалсафий мавзулардаги шеърларида Ватан, табиат, жамиятнинг ўз қисматидаги ўрнини чуқур ҳис этган ҳолда ўзининг одам ва олам тақдирини, шаъни, шуқуни йўлидаги мақомини ҳам аглайди.

Тананинг кўзғалишида жон сувратини, чангу губорларнинг чарх уришида шамол шамойилини, кўзёшда қайғунинг, табассумда шодлиқнинг рангини кўриш, ғойибона кудратини ҳис этиш ҳамда сўз орқали уларни маълуму номаълум фикр, манзара, ҳолат, қайфиятга бўйсундириш шоир ижодига хос фазилатлардан биридир.

Яқинда нашр этилган "Танланган асарлар" китобининг иккинчи жилдидан шоирнинг турли йилларда ёзган шеърлари, дoston ва жаҳон адабиётининг таниқли ижодкорларидан қилган сара таржималари ўрин олган.

«Қисмат қиссалари»

Шоир қалби, юраги, руҳияти билан бошқа одамлардан фарқ қилади, сўзи ва қалами билан эса бошқа шоирлардан ажралиб туради. Зеро, ҳар бир ижодкор ўз дунёси билан гўзал ва афзал. Гулистон Матёқубовнинг "Қисмат қиссалари" китобини мутулаа қилган киши борки, бу ҳақиқатни яна бир бор теран аглайди.



Утган асрининг 90-йилларида замонавий ўзбек шеърятининг дарғаларидан бири Зулфия Гулистон Матёқубова ижодига шундай баҳо берганди: "...Гулистон ўзининг бой мулкига эга шоир. Бу шундай мулки, унда туғёнлар алангаланиб, теранликка ва маҳоратга айлангани сабаб шеърлари дилимизга яқин".

Дарҳақиқат, бутун ҳам шоиранинг ижодидан баҳраманд китобхонлар ушбу таърифи тасдиқлаши табиий. Йиллар, даврлар ўтса-да, асл сўзининг, бетакор оҳангнинг қадри ўзгармади. Ижодкор айни пайтда ҳам сўз сеҳри, жозибаси билан шеърсеравлар қалбини тўлқинлантирмоқда.

Ижодкорнинг сўнгги йилларида ёзган дoston ва шеърлари жамланган мазкур китоб ҳам кўнглингиздан жой олиб, хотирангиз қатларига муҳрланиши, тилингизда жаранглаб туришига ишонамиз.

«Халқ кўшиқларида рамз»

Аҳдоқдоримиз азал-азалдан сўзнинг кучу қудратига алоҳида урғу қаратишган. Жисмининг сир-синоати исмда деб билишган ва уни аглаш, мушоҳада этишга уринганлар. Бу йўлда улар халқ кўшиқларига алоҳида эътибор беришган, теран сўзларини унга сингдирган.



Халқ кўшиқлари — бебаҳо ва улкан ҳазина, унинг "сим-сим"и кўшиқ сўзлари ифодаб келаётган рамзий маъноларда яширин, десак, янглишмаймиш. Кўшиқдаги рамзий образлар сиричи билан одам унда қандай мазмун-моҳият ифодаланганини дарров илғайди, тушунади.

Фольклоршунос олим Шомирза Турдимов "Халқ кўшиқларида рамз" китобида ўзбек халқ кўшиқларида кенг қўлланувчи поэтик тимсоллар, уларнинг ўзига хос белгилари, турлари, етакчи рамзий образларнинг тарихий илдизлари, лирик асарлардаги маъно кўлами ҳақида атрафлича фикр юртади.

Мазкур китоб илмий тадқиқотчилар, талабалар ва кенг китобхонлар оmmasига ҳам фойдали, ҳам қизикarli бўлишига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».

Мавсумга тайёргарлик: СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда халқимизга замонавий қулайликлар яратиш йўлида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Мақсад эса — аҳолининг яшаш ва турмуш даражасини юксалтириш ва ҳаётдан рози қилишга қаратилган. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида энергия самардорлиги, кўп қаватли уйларни бошқариш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилиниб, зарур вазифалар белгилаб берилди.

Долзарб мавзу

Йиғилишда таъкидланганидек, республикамиздаги 39 мингга яқин кўп қаватли уйларга 819 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатмоқда. Солиқ имтиёзи, арзон кредит берилгани, эски қарзлар "музлатилгани" ҳисобига улар оёққа турмоқда. Натижанда йил бошидан буён 2 100 та кўп қаватли уй таъмирланди, 1 миллионга яқин дарах ва гул кўчатлари экилди. Бинобарин, ҳали қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп ва давлатимиз раҳбари алоҳида урғу берганидек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида "Энди "муддат кам эди, маблағ бўлмади", деб баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ".

Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод ХИДОЯТОВ фикрларини ёзиб олдик. — Халқимиз орасида "Ўз уйинг — ўлан тўшагинг" деган ахойиб нақл юради, — дейди у. — Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини замонавий талабларга эга уй-жой билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, уйларга намунали хизмат кўрсатиш тизими ҳам фаол ишламоқда. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли — бошқарув компанияси — коммунал ташкилот ва пудратчи ўртасида занжир яратиш бўйича вазифа белгиланди. Видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар ижроси доирасида кўп хонадонли уйларни бошқариш йўналишида фаолият олиб бораётган

бошқарув органлари ходимлари учун семинар-тренинг ўтказдик. Унда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўйича муносабатларни тартибга солиш, тизимда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар таҳлил этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги "Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирларини тўғрисида"ги қарори бу йўналишда бизга дастуриламал вазифасини ўтмоқда.

Ушбу қарор билан бошқарув органларига қатор имтиёз ва имкониятлар берилибгина қолмай, уларнинг муаммоларига ҳуқуқий ечим топилиб. Мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори белгиланди, чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш хизматлари тизимлаштирилди. Мажбурий бадалдан қарздорликни электр энергиясига интеграция қилиш ишлари бошланди.

Соҳада секин-аста рақобат муҳити шаклланаётгани бизни жуда қувонтиради. Чунки ислохотлар бош мақсадда ҳам шу — очкиликни таъминлаш ва рақобатбардoshiкка эришиш. Мамлакатимиздаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг яшаш шароитлари олдинги йиллардагига қараганда анча яхшиланди. 2023 йил 1 май ҳолатида республикада 265 та "яхши", 415 та "ўрта" ва 133 та "оғир" бошқарув сервис компанияси мавжуд эди. Бугунги кунга келиб эса "яхши" тоифадаги бошқарув сервис компаниялари (БСК) сони 369 тага етказилган. "Ўрта" тоифадаги БСК 380 тага ва "оғир" тоифадагилар 72 тага камайтирилишига эришилган. 2024 йил



яқинида қадар "оғир" тоифадаги бошқарув сервис компанияларининг барчасини "ўрта" тоифага ўтказиш ҳамда "яхши" тоифадаги БСК сонини 500 тага етказиш мўлжалланмоқда. Нукус, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳарларида намунали бошқарув сервис компаниялари кўпайиб бораётгани қувонарли, албатта. 2023 йил 1 январь ҳолатига бундай компанияларнинг намунавий бинолари сони 52 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб улар 105 тага етди. Йил якунига қадар яна 27 та намунавий бино фойдаланишга топширилади. Бошқарув органларининг дебитор қарздорликларини камайтириш йўлида ҳам қатор натижаларга эришилмоқда. 2022 йилда тушум 41 фоиз эди, 2023 йилда 66 фоизга, 2024 йил январь — май ойларида 95 фоизни ташкил қилмоқда. Бошқарув компаниялари тушумларининг ортиси натижасида уйларни таъмирлаш бўйича дастурлар қайта кўриб чиқилди ҳамда аввал режалаштирилган 1 685 та уй ўрнига 5 493 та уйни таъмирлаш белгилаб

олинди. Ҳозирги кунда тушган маблағлар ҳисобидан 2 100 тадан ортиқ уйлар таъмирланди.

Бугунги кунда 1 889 та уйда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Жорий йил сентябрь ойига қадар 3 400 га яқин уйлар таъмирланиб, атрафига куз мавсумида 1,2 млн. туп кўчат ўтказилади. Шунингдек, жорий йилда уйларнинг кириш йўлақларига камиди 50 мингта энергия тежовчи чироқлар ўрнатиш орқали истеъмол ҳажмини 30 фоизгача қисқартирish кўзда тутилган. БСКлар молиявий аҳоли яхшиланиши ва қўшимча иш ҳажмининг ортиси натижасида, шу йилнинг ўтган 5 ойида 701 та иш ўрни яратилди. Сентябрь ойига қадар ушбу кўрсаткични 1 мингтага етказиш белгиланган.

2023 йилда мамлакатимизда 3 мингга яқин уйларнинг том ва ертўласи таъмирланди. Биргина Тошкен шаҳрида 2 080 та уйнинг ички тармоқлари тўлиқ алмаштирилди. Натижанда 2023 йилда аҳолидан том ва ертўла бўйича тушаётган мурожаатлар сони 2 баробарга камайган.

Видеоселектор йиғилишидан чиқарган ҳулосаларимиз шундан иборатки, бугунги сусткашлик киши-қировли кунларда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун барча масъулиятни зиммамизга олиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни сидқидилдан амалга ошираемиз.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

1 июлдан давлат олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари ва шу йил 9-синфни битирган ўқувчилар учун касб-ҳунар мактабларига қабул бошланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг таърифи берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6